



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 112 (12.925)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗАРО ИШОНЧ — МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг таклифига биноан 27-29 май кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди.

Ташрифнинг асосий расмий тадбирлари 28 май кунини бўлиб ўтди.

Президентлар аввал тор доирада, сўнгра кенгайтирилган таркибда очиқлик, ўзаро ишонч ва амалий руҳда ўтган музокаралар чоғида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик масалаларини муҳокама этдилар.

Корея Республикаси томони Ислон Каримов Ўзбекистон Президенти этиб қайта сайланганидан кейин давлат ташрифи билан биринчи бўлиб Жанубий Кореяга келгани учун самимий миннатдорлик билдирди. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги серқирра ҳамкорлик кўлами ва уни янада кенгайтириш истиқболларидан, шунингдек, Ўзбекистон кўп томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришга катта аҳамият қаратаётганидан далолатдир.

Томонлар ўшбу ташриф олий даражадаги аънавий мулоқотларнинг мантикий давоми бўлганини ва ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича ўзаро ҳам-жиҳатликка янада катта аҳамият бериш борасида икки мамлакатнинг сиёсий хоҳиш-иродасини намоён қилганини, бу халқларимиз манфаатларига мос эканини таъкидлади.

Президентлар ўзаро ишонч — мустаҳкам ҳамкорликнинг энг муҳим омили эканини алоҳида қайд этдилар.

Самарали ва амалий руҳда ўтган музокаралар ўзаро ҳамкорликнинг барча йўналишлари, шунингдек, муҳокама этилган минтақавий ва халқаро сиёсий муаммолар бўйича позиция ва ёндашувлар яқинлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Корея Республикасининг Корея яриморали ва умуман, минтақада тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳар томонлама чуқур ўйланган, тинчликпарвар ва вазмин ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Корея Республикаси Президенти томонидан ўтган йили Дрезден шаҳрида илгари сурилган икки Корея давлати ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ҳамда Корея яриморалининг ядро қуролидан холи мақомини таъминлашга қаратилган изчил ва прагматик «Тинчлик йўли билан бирлашиш ташаббуси»ни маъқуллайдди.

Глобаллашув асрида барча давлатларнинг бир-бирига боғлиқлиги инobatга олинган ҳолда, томонлар Жанубий Корея раҳбарияти илгари сурган «Евроосиё ташаббуси» долзарблигини қайд этди ва ўшбу ташаббусни қадимий Буюк Ипак йўлини замонавий шароитларда қайта тиклашга қўшилган муҳим ҳисса сифатида эътироф этди.

Томонлар мазкур лойиҳани иқтисодий ҳамкорлик ва транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантиришнинг мавжуд ва муваффақиятли амалга оширилаётган халқаро ва минтақавий дастурлар билан узвий боғлаш зарурлигини қайд этди.

Президентлар Марказий Осиёда сув ресурсларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш масаласини минтақадаги барча давлатлар манфаатларидан келиб чиқиб, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ маслаҳатлар ўтказиш орқали ҳал этиш кераклигини таъкидлади.

Корея Республикаси раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форумини ривожлантириш ва унинг доимий ишловчи котибиятини таъсис этиш масаласини қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди.

Томонлар парламентлараро, жумладан, қонунчилик органларида фаолият олиб бораётган ассоциациялар ва дўстлик гуруҳлари орқали амалга оширилаётган ҳамкорлик муносабатларини юксак баҳолади.

2014 йилда икки мамлакат ўртасида узоқ муддатли ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли соҳалари белгиланган Стратегик шериклигини янада чуқурлаштириш ва

кенгайтириш тўғрисидаги қўшма декларациянинг имзолангани муҳим воқеа бўлди.

Савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий соҳалардаги ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим таркибий қисмидир.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама этиш доирасида Ўзбекистон Жанубий Кореянинг Марказий Осиёдаги энг йирик шериги экани ва Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўтган 20 йилдан ортиқ вақт давомида барқарор ва изчил ривожланиб, улкан муваффақиятларни кўлга киритаётганини таъкидлади.

Жанубий Корея томони Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликка эришилгани, қўлай инвестиция муҳити яратилгани, таълим соҳаси, инфратузилмани ривожлантириш, sanoatни модернизация қилиш, замонавий қишлоқ ҳўжалигини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва чуқур таркибий ўзгаришларни юксак баҳолади. Корея Республикаси раҳбарининг таъкидлашича, глобал иқтисодиётда мураккаб вазият юзага келганига қарамаздан, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатлари кейинги ўн йилда 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани таҳсинга лойиқдир.

Жанубий Корея Президенти мамлакатларимиз иқтисодиёт тармоқлари, хусусан, машинасозлик, автомобилсозлик, электротехника, ахборот-коммуникация технологиялари, тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорлигини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга эканини таъкидлади.

Пак Кин Хэ Корея Республикаси ҳукумати Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда Жанубий Корея компаниялари иштирокчи ҳар томонлама рағбатлантиришини қайд этди.

Томонлар товар айирбошлаш ҳўжми барқарор юксалиб бораётгани ва сўнгги йилларда бу кўрсаткич мунтазам 2 миллиард АҚШ долларидан ошаётганини таъкидлади. Шу муносабат билан Жанубий Корея томони Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида Корея Республикаси бизнесининг йирик савдо-инвестиция шериги ҳисобланганини қайд этди. Ўзбекистон томони, аввало, Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган замонавий юқори технологияларни жалб этиш тарафдор эканини алоҳида таъкидлади.

Музокаралар якунида Президентлар барча йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболлари белгиланган берилган Қўшма декларацияни имзоласилар.

Умуман, ташриф доирасида ва бўлиб ўтган Ўзбекистон — Корея бизнес-форуми якунлари бўйича 60 битим ва шартнома имзоланди. Уларнинг 55 таси савдо-иқтисодий, инвестиция ва молиявий-техник ҳамкорлик соҳасига тааллуқлидир. Инвестициявий ҳамкорлик соҳасида 34 битим, жумладан, нефть-кимё ва кимё соҳасида 5 лойиҳа, автомобиль sanoatида 9, электротехника соҳасида 5 лойиҳа имзоланди. Ўшбу битимлар углеводородларни чуқур қайта ишлаш, металл ва олефин олиш учун табиий газни қайта ишлаш бўйича энг замонавий технологияларни жорий қилиш, азот кислотасини ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, уч русумдаги машҳур янги замонавий автомобиллар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйиш, янги авлод автомобиль двигателлари, трансмиссиялари ва бутловчи қисмлари ишлаб чиқаришнинг ўзлаштириш, замонавий маиший электротехника буюмлари ишлаб чиқариш бўйича истиқболли лойиҳаларни қамраб олган.

Фармацевтика соҳасида имзоланган 7 лойиҳада онкология, эндокрин, офтальмология, нафас олиш органлари ва овқат ҳўзм қилиш тизими касалликларини даволаш учун препаратлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Молиявий ҳамкорлик Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларининг устувор йўналиши ҳисобланади. Ташриф доирасида бу борада Жанубий Кореянинг имтиёзли кредит ресурсларини жалб этиш бўйича 7 битим имзоланди. Саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш дастурлари доирасида устувор лойиҳаларни молиялаштириш учун Корея Республикаси банкларининг умумий қиймати 2,9 миллиард долларлик узоқ муддатли инвестиция кредитларини жалб этиш бўйича 6 битим, «EDCF» фондининг 33 миллион долларга тенг имтиёзли кредитини жалб қилган ҳолда, «Мақтаб таълимида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш» лойиҳасини молиялаштириш бўйича заём битими ҳам имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида «EDCF» фонди линияси бўйича имзоланган 2015-2019 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурида қиймати 415 миллион долларлик узоқ муддатли имтиёзли кредитларни жалб этиш орқали 6 лойиҳа, шу жумладан, Тошкент шаҳрида IV даражали замонавий кўп тармоқли, юқори даражада ихтисослаштирилган тиббиёт марказини, «электрон ҳўкумат» тизими маълумотларини қайта ишлайдиган давлат марказини ташкил этиш, ахборот-коммуникация технологиялари асосида сув ресурсларини бошқариш тизимини жорий қилиш лойиҳаларини ҳўдта татбиқ этиш кўзда тутилган.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан 2015-2017 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қиймати 58 миллион доллар бўлган грантларни жалб этиш орқали 11 лойиҳани амалга оширишни назарда тутган. Тошкент аэропортини модернизация қилиш ва янги халқаро терминал барпо этиш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш, қуриладиган IV даражали замонавий кўп тармоқли клиникалар учун юқори малакали тиббиёт ҳодимларини тайёрлаш ва тиббиёт ускуналарига хизмат кўрсатиш марказларини, Хоразм ва Фарғона вилоятларида техник мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш марказларини ташкил этиш, замонавий ахборот-ресурс марказини қуриш ва жиҳозлаш, электрон ўқитиш тизимини жорий этиш ҳамда ўқув-илмий лабораторияларни жиҳозлаш орқали Тошкент ахборот технологиялари университетини ривожлантириш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистондан Жанубий Кореяга пахта толаси, рангли металллар, автомобиль кабеллари, минерал ўғит, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш бўйича йирик экспорт шартномалари имзоланди.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ Жанубий Корея компаниялари Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади ва Ўзбекистон учун янги, биринчи навбатда, қайта ишлаш sanoatи соҳасидаги устувор лойиҳалар рўйхатини тузиш ҳамда уларни биргаликда амалга ошириш масалаларини кўриб чиқилиш таклиф этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти якунида тасдиқланган sanoatни модернизация ва диверсификация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш, давлат корхоналарини корпоратив бошқариш ва хўсуийлаштириш тизимини такомиллаштириш дастурлари бу борада ҳўқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ташрифида тайёргарлик қўриш доирасида 26 май кунини Сеулда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес-форумида Жанубий Кореядан 300 нафардан зиёд киши, жумладан, ҳўкумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, етакчи компаниялар, молия институтлари, олий ўқув юртлари, эксперт-таҳлил марказлари раҳбарла-

ри, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Унда Бош вазир вазифасини бажарувчи Чой Кёнг Хван сўзга чиқиб, «Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи ҳамкоримиз ҳисобланади ва бу мамлакатга инвестиция киритиш мумкин ва керак. Ўзбекистон билан стратегик ҳамкорликни, авваламбор, мамлакатда амалга оширилаётган sanoatни янада модернизация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш бўйича стратегик дастурлар, хўсуийлаштириш, ишбилармонлик муҳити ва хўсуий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, корпоратив бошқарувни тубдан такомиллаштириш дастурини қўллаб-қувватлаш орқали ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қатъий аҳд қилганимиз», деди.

Бизнес-форумда «Лотте Кемикал» компанияси президенти Ху Су Ёнг, «Кореан Эйр» компанияси президенти Чи Чанг Хун, «Жи Эм Корея» компанияси президенти Сержио Роча, «Самсунг Электроникс» компаниясининг катта вице-президенти Ку Ин Чой, Эксимбанк вице-президенти Ким Ёнг Ки ва бошқалар Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият кўрсатиш тажрибаси ҳамда икки томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантириш истиқболлари ҳўқида маъруза қилди.

Ташриф давомида маданий-гуманитар ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш доирасида Тошкент шаҳрида Жанубий Корея маданият ва санъат уйини қуриш ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида келишиб олинди. Бу Ўзбекистон — Жанубий Корея дўстлигининг янги рамзи, халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга интилишнинг тимсолига айланади.

Пак Кин Хэ Ўзбекистонда яшайтган кореялик миллият вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва ғўмхўрлик учун Жанубий Корея халқи номидан миннатдорлик изҳор этди.

«Ханжин» компанияси билан Инха университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида янги Логистика факультетини очиш тўғрисида келишувга эришилди.

Президентлар ўшбу ташриф давомида давлат, ҳўкумат ва идоралараро имзоланган салмоқли ҳўжжатлар Ўзбекистон — Жанубий Корея ўртасидаги стратегик шериклик асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Президент Ислон Каримов ташриф доирасида 29 май кунини Корея Республикаси Бош вазирини вазифасини бажарувчи Чой Кёнг Хван, Жанубий Корея газ корпорацияси президенти Ли Жонг Хо, «Лотте групп» компанияси раиси Шин Донг Бин, «Лотте Кемикал» компанияси президенти ва бош ижрочи директори Ху Су Ёнг, «Ханжин групп» ва «Кореан Эйр» компанияси раиси Чо Янг Хо, Корея Республикаси Экспорт-импорт банки президенти Ли Дук Хун ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги президенти Ким Ёнг Мокни қабул қилди. Музокаралар чоғида иқтисодий ҳамкорлик ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Корея Республикаси Миллий ассамблеяси спикери Чон Ий Ха ва депутатлар билан ҳам учрашди. Учрашувда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳўқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришда тарихий воқеа бўлиб, ўзаро ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши шўбҳасиздир.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус муҳбири
Тошкент-Сеул-Тошкент.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳўмоя қилиш кунини

ҲАР БИР БОЛА МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида болаларга меҳр ва ғўмхўрлик кўрсатишга доир эзгу сўй-ҳўракатлар соғлом ва мустақил тафаккурли авлодни вояга етказишда асосий омили бўлмоқда.

«Туркистон» саройида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳўмоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда бу жиҳатлар янада бир қарра ўзининг аққол ифодасини топди. «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчиликлари болалар жағармаси томонидан ташкил этилган тадбирга юртимизнинг турли ҳудудларидаги Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари таклиф этилди.

«Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчиликлари болалар жағармаси Васийлик кенгаши раиси Л.Каримова-Тиллаева мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларга пухта билим бериш, касб-ҳўнарга ўргатишга қаратилган юксак эътибор туфайли ўғил-қизлар ҳеч

кимдан кам бўлмай камол топаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ёш авлод манфаатларини ҳўмоялашга доир ибратли ишлар болаларнинг пухта билим олиши, уларнинг истеъдоди ва ижодий салоҳиятини тўғри шакллантириш, ўз вақтида юзага чиқариш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда аққол намоён бўлмоқда. Бу борада турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлик асосида фаолият кўрсатаётгани ўғил-қизларни ҳўқуқий ҳўмоялаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига яқиндан қўмаклашиш имконини бермоқда.

«Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчиликлари болалар жағармаси тегишли ташкилотлар билан биргаликда мураккаб тақдирли бо-

лаларга ҳўқуқий, ижтимоий, тиббий, маънавий-психологик қўмак кўрсатиш юзасидан тизимли фаолият олиб бормоқда. Ўтган йиллар мобайнида Меҳрибонлик уйлари капитал реконструкция қилиш, таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ўқувчиларнинг таълимдан ташқари бўш вақтини унумли ўтказиш мақсадида ташкил этилган фан, спорт, бадий ижодиёт тўғрақлари ўғил-қизларнинг билимларини бойитиб, ўқишга бўлган қизиқиши ва иштиёқини янада орттирмоқда. Турли соғломлаштириш акциялари, ижтимоий лойиҳалар ўғил-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Меҳрибонлик уйимизда 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар тарбияланади, — дейди Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик уйи директори Абдусулт Ақмалов. — Болаларнинг ҳар бири қизиқиши ва интилишига қараб ўқув, бадий ижодиёт, спорт тўғрақларига қамраб олинган ўқувчиларимизнинг турли олимпиадалар,



Болаларнинг ўқув-қизларнинг билимларини бойитиб, ўқишга бўлган қизиқиши ва иштиёқини янада орттирмоқда.

турнирлар, ижодий танловларда муваффақият қозонишда асосий омили бўлмоқда. Ўқув йили давомида аъло натижаларга эришган, турли спорт мусобақалари, ижодий танловларда совриндор бўлган болалар диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Болалик, бегуборлик байрамига айланган ўшбу тадбирда Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари томонидан тайёрланган концерт намоиши этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

**Миллий матбуот марказида
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик
жамиятида ахборот-коммуникация
технологияларининг ўрнига бағишланган
матбуот анжумани ўтказилди.**

ПОЧТА ХИЗМАТИ ЯНАДА РИВОЖЛАНМОҚДА

«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти почта ва курьерлик жўнатмаларини тарқатиш ва етказиб бериш, пул ўтказмалари, давлат пенсия ва нафақаларини тўлаш учун мўлжалланган почта алоқаси ҳамда почта хизмати объектларининг кенг тармоғини ташкил этади. Шу боис соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий оператор фаолиятининг муҳим йўналишидир.

Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ўтган даврда компьютерлаштирилган почта алоқа объекти сони 1728 тага етди.

Почта алоқа объектлари жамиятнинг корпоратив компьютер тармоғидаги «Электрон пул ўтказмалари», «Тўловларни қабул қилиш тизими», «Пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати тизими», «Рўйхатга олинган почта жўнатмаларини назорат қилиш тизими» ва «Обуна» автоматлаштирилган тизимларига боғланган.


Автоматлаштириш тизимларининг жорий этилиши почта алоқаси хизматлари сифатининг яхшиланишига ҳам ижобий таъсир ўтказмоқда. Бу борада почта тизимининг халқаро «PRIME» тизимига уланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур тизим эътирознома тушган халқаро посилкаларни тез ва самарали қидириш бўйича Бутунжаҳон почта иттифоқининг «IBIS» халқаро ахборот тизимига ҳамда халқаро хат-хабарлар, жумладан, буюртмалар, қиймати эълон қилинган ва Express жўнатмаларни қидиришда эътирозномаларни почта операторлари ўртасида электрон шаклда алмашиш имконини беради. Ушбу тизимдан фойдаланишнинг йўлга қўйилиши, почта операторлари ўртасида эътирозномалар алмашинуви тезлаштиришга хизмат қилади.

Хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида жамиятнинг www.post.uz ва www.pochta.uz сайтлари доимий равишда модернизация қилинмоқда.

Аҳолининг даврий наشرларга обунасини ташкил этишда электрон тўлов тизими йўлга қўйилмоқда. Бунинг натижасида фуқаролар пластик картчалари ёрдамида «Ўзбекистон почтаси»нинг интернетдаги сайти орқали газета ва журналларга обуна бўлишлари мумкин бўлади.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири**



Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга илмий-техника тараққиёти ютуқларини амалиётга кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.
Азҳо Абдуллаев олган сурат

Истиқлол шарофати билан пойтахтимиз кўчалари, аҳоли яшаш жойлари — маҳалла ва мавзеларда ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган турар жой бинолари, ўнлаб маъмурий ва маданий-маиший бинолар қурилиб, шаҳар кўркини янада гўзаллаштириб юборди, кўплаб янги истироҳат боғлари, хиёбонлар, дам олиш жойлари, умумий овқатланиш ва савдо тармоғи объектлари ҳамда тиббиёт-профилактика муассасалари бунёд этилди.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, ҳар бир соҳада, жумладан, умумий овқатланиш соҳаси бўйича аҳолига маданий хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланиб, замонавий тус олди.

«Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси бош давлат санитария врачлари томонидан тасдиқланган «Умумий овқатланиш тармоғи объектлари учун» санитария қоида ва меъёrlари, Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилган «Тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятини тешириш мувофиқлаштириш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан 2013 йил 9 апрелда «Тошкент шаҳридаги умумий овқатланиш тармоғи объектлари ва нововойхоналарда архитектура, ёнгин хавфсизлиги ва санитария қоидаларига риоя қилиниши»ни тартибга солиш тўғрисида»ги қарор қабул қилинган эди.

Ушбу қарор, авваламбор миллий таом ва нон маҳсулотларини тайёрловчи ошхоналарда, нововойхоналарда, чойхоналар ва сомсахоналарда санитария-гигиена ва ёнгин хавфсизлиги меъёrlарига, архитектура талабларига риоя қилиниши устидан назоратни қўйиштириш, истеъмолчилар ўртасида ўткир юқумли ичак касалликлари ва овқатдан захарланиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган.

Тошкент шаҳрида аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш борасида олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда, хануз маҳаллалар, мавзелар, бозорлар ҳудудида санитария-гигиена қоидаларини, ёнгин хавфсизлиги ва ташқи қиёфаси билан архитектура талабларига жавоб бериладиган савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари объектлари, нововойхоналар ҳамда сомсахоналарнинг фаолият юритиб келаётгани шахримиз ҳуснини бузмоқда.

Давлат санитария-эпидемиология хизмати томонидан юқорида қайд этилган умумий овқатланиш тармоғи объектларида, нововойхоналарда ва сомсахоналарда Ўзбекистон

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида касабаси уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Айтиш керакки, Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди. 2015 йилнинг Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилинган ва мазкур йўналишда Давлат дастури қабул қилинган эса мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга эътиром кўрсатиш борасидаги ишларни янада юксак босқинга олиб чиқди.

Энг муҳими, Давлат дастурига мувофиқ жорий йилда 21098 нафар уруш ва меҳнат fronti фахрийлари соғломлаштириладиган 37та санаторий рўйхати тасдиқланган бўлиб, уларнинг 15 тасини касабаси уюшмалари тизимидagi санаторийлар ташкил этади. Касабаси уюшмалари тизимидagi барча санаторийларда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини давлат бюджетли ҳисобидан сифатли ва самарали соғломлаштириш учун барча зарур шарт-шароитлар, қўшимча қўлайликлар яратилган.

— Касабаси уюшмалари тизимидаги 15 та санаторийда реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, пастки қаватларда ва муолажа ўтказиладиган бўлимларга яқин жойларда «Уруш ва меҳнат fronti фахрийлари бўлимлари» ташкил этилди. Мазкур бўлимлар энг замонавий жиҳозлар, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди, — дейди Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Санатор-курортлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нигора Нурматова. — Фахрийлар учун ажратилган хоналар, санузеллар, ошхона ва муолажа хоналарида уларнинг жисмоний имкониятидан келиб чиққан ҳолда қўшимча қўлайликлар яратилиб, тегишли мосламалар ўрнатилди. Ҳар бир санаторийда фахрийларнинг тезкор ва навбатсиз қабул қилиниши таъминланмоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, касабаси уюшмалари томонидан 935 нафар отахон ва онахонлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Шахрисабз ва Тошкент

Шаҳримиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг мажлислар залида Ўзбекистон кардиологларининг VII съезди «Юрак қон-томир касалликлари билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичини камайтиришнинг стратегик вазифлари» шиори остида ўтказилди. Унда республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг етакчи мутахассислари, клиник шифохона ва оилавий поликлиникаларнинг кардиологлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг масъул ходимлари, хорижий делегациялар вакиллари иштирок этиб, кун тартибига қўйилган масала юзасидан атрафлича фикрлашди.

Анжуманлар

КАРДИОЛОГИК ХИЗМАТ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон кардиологларининг навбатдаги съездида юрак ишемик касалликлари — миокард инфаркти, юрак етишмовчилиги, артериал гипертензия, бўлмачалар фибрилляциясининг замонавий классификациясини муҳокама қилиш ва уларни тиббиёт амалиётига кенг татбиқ этиш кўзда тутилди. Барча даволаш ва профилактика муассасаларида кўрсатилаётган кардиологик хизматни таҳлил қилиш, баҳо бериш ва халқаро тажрибаларни ўрганиш асосида юрак қон-томир касалликлари ҳамда унинг оқсидан содир бўлаётган ўлим ҳодисасини камайтириш бўйича янги технологияларни жорий этиш съезд иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди.

Анжуман Ўзбекистон кардиологлар уюшмаси раиси, профессор Р.Қурбонов «Соғлиқни сақлаш тизимида ўтказиладиган ислохотлар борасида кардиологик хизматнинг масалалари ва истиқболлари», Тошкент Тиббиёт академияси ректори, академик Ш.Каримов «Бир нечта артериал қон-томирлар атеросклеротик шикастланиши бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш», профессор М.Зуфаров «Мультифокал атеросклерозли ЮИК (юрак ишемик касаллиги) бор беморларда интервенцион аралашувлар» мавзуларида маъруза қилиб, амалиётда қўлланилаётган тажрибалар бўйича ахборот берди.

Тадбирда Россия, Қозоғистон, Озарбойжон, Ҳиндистон, Швейцария, Чехия, Венгрия, Жанубий Корея каби

хорижий давлатлардан ташриф буюрган кардиологлар иштирок этиб, Ўзбекистонда юрак хасталикларини даволаш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

— Юртимиз аҳолиси ўртасида юракнинг турли касалликлари кўп учрайди. — Бунга носоглом турмуш тарзи, зарарли одатларга ружу қўйиш, нотўғри овқатланиш, сунъий овқатлар истеъмоли туфайли келиб чиқадиган ортика вазн, экологик вазиятнинг мураккаблашуви шарт-шароит тўғрисида. Нима бўлишидан қатъи назар, беморга ёрдам кўрсатиш, уни соғломлаштириш биз шифокорларнинг бурчимиздир, — дейди республика Ихтисослаштирилган кардиология марказининг рентген-эндоваскуляр жарроҳлик бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Набижон Йўлдошев. — Марказимизда коронароангиография юрак тоқсимон артерияларининг торайган қисмларини анчиклаш, уларга стент (найча) ўрнатиш технологияси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Йилига 1000 дан ортик беморда ушбу даволаш усулини қўллабмиз. Кардиологларнинг VII съездида ташриф буюрган хорижий ҳамкасбларимиз бу тажрибаларга юқори баҳо беришди.

Анжуманда Ўзбекистон кардиологлар ассоциацияси ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари муҳокама қилиниб, комиссиянинг янги таркиби сайланди.

Хулқар КУЗМЕТОВА

Бунда ошхона, сомсахона, нововойхоналарни қурилиш ва санитария меъёrlари талаби даражасига келтириш ҳамда соҳа ишчиларининг тиббий кўрик билан тўлиқ қамраб олинишига алоҳида аҳамият қаратиш керак.

Уз ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари томонидан олиб борилаётган назорат ишларини талаб даражасида деб бўлмайдми. Ушбу марказ томонидан умумий овқатланиш масканларида амалдаги меъёrlар талаблари асосида кескин тартиб ўрнатиш фаолияти кўзга ташланмапти. Ваҳоланки, амалдаги қонунларга кўра айнан ушбу марказга бу борада алоҳида ваколатлар берилган.

Шу билан бир қаторда овқатланиш маданиятига ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Пойтахтимизда овқатланиш ёки йўл-йўлакай тамадди қилиб олиш масаласи бўйича муаммо йўқ, Лекин баъзи кишилар сомса, гўмса, ҳатто лавашларни йўлда, яъни бевосита ҳаракатда тановул қилиш, ўз саломатлиги учун кони зарарлигини билишармикин. Овқатланиш маданиятининг бевосита одоб билан боғлиқлигини ҳам унутмаслигини керак. Баъзиларнинг жамоат транспортига ярим ейилган сомса, гамбургер, хот-дог, музқаймоқлар билан чиқиб, йўловчиларни менсимай тановул қилиши қавомаз эътироби одобсизликнинг, давоверс ён-атрофдагиларни менсимаслигининг ёрқин кўриниши ҳисобланади. Уларнинг ноҳуш хиди бутун салонга тарқалиб, ҳаммамни кайфиятини хира қилиши табиий. Қолаверса, аллергия хасталикларига чалинган йўловчиларнинг асаби бузилади. Бундай номақбул одатларнинг олдини олиш учун ўқув муассасаларидаги тарбия соатларида, айниса оилада бу жиддий масалага алоҳида эътибор қаратилиши, фарзандларга овқатланиш маданияти ва одоби чуқур тушунтирилиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, шахримиз аҳолиси ва меҳмонларини сифати кафолатланган озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, умумий овқатланиш соҳаси бўйича хизмат кўрсатаётган объектларда, миллий нон маҳсулотларини тайёрловчи нововойхоналарда, чойхоналар ва сомсахоналарда санитария-гигиена ва ёнгин хавфсизлиги меъёrlарига, архитектура талабларига риоя қилиниши устидан назоратни қўйиштириш, истеъмолчилар ўртасида ўткир юқумли ичак касалликлари ва овқатдан захарланиш ҳолатларининг олдини олиш муҳим масала эканлигини доим ёдда тутиш лозим.

**Отабек ЖИЯНБАЕВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгаши депутати**



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилоятининг Зангиота туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

● Қаршида «Диплом билан бизнесга» лойиҳаси доирасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгаши ва Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежларининг битирувчилари учун ўқув-семинарда банк-молия муассасалари вакиллари, эксперт ва мутахассислар, партиянинг «Ёшлар қаноти» фаоллари ҳамда битирувчи-ёшлар қатнашди.

● Навоий вилояти Хатирчи туманида «Чорикул Шайматов гавҳари» хусусий клиникаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда саккиз нафар олий тоифали шифокор ҳамда ўрта тиббиёт ходими аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиши учун барча шароит яратилган.

● Самарқандда «Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор» шиори остида ўтказилган китоб байрамида пойтахтдаги бир қатор нашриётлар қатнашиб, янги китоблар савдо-ярмаркаларини ташкил этди. Таълим муассасалари кутубхоналари ва ахборот-ресурс марказлари томонидан тақдим этилган электрон китоблар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

● Ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларида марокки хордиқ чиқариши ва саломатлигини мустаҳкамлаш учун Қорақалпоғистон Республикасида 6 доимий ҳамда 20 кундузги оромгоҳлар мавсумга шай қилиб қўйилди.

● Навоийда атроф-муҳит мусоф-фолигини асраш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги «Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида руҳсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

ЖАҲОНДА

● Ҳиндистонда ҳукм сураётган жазирама иссиқ натижасида 2015 киши ҳаётдан кўз юмди. Уларнинг асосий қисмини Андра-Прадеш ҳамда Телангана штатларининг аҳолиси ташкил этади. Маълумотларга қараганда, ушбу штатларда ҳавонинг иссиқлиги Цельсий бўйича 42-43 даражага тушиб, меъёrlашмоқда.

● Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ўтказилган сайлов натижасида Йозеф Блаттер навбатдаги тўрт йиллик муддатга ФИФАнинг президенти этиб сайланди. Бу 79 ёшли Блаттернинг ушбу лавозимга қаторасига бешинчи бор сайланишидир.

● Тинч океанидаги «Андрес» довули натижасида шамолнинг тезлиги соатига 205 километрга етди ва унга хавфлилиги даражаси бўйича учинчи тоифа берилди. Довул натижасида мутахассислар Мексиканинг Халиско, Колима ва Мичоакан штатларида жала қуйиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирмоқда.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунининг моҳияти унинг байроғида ўз ифодасини топган. Байроқда яшил фонда ер шар, бешта турли рангдаги болакай ва уларнинг оёқчалари ҳосил этган юлдузча тасвирланган. Бунда яшил ранг — тириклик, тараққиёт тимсоли. Ер шар барчамизнинг умумий уйимиз эканини англатади. Унинг кўк ранглиги тинчлик ифодасидир. Турли рангдаги болакайлар беш қитъадаги барча ирққа мансуб миллат ва элатларнинг тенглиги раъзи бўлса, уларнинг оёқчалари ҳосил этган юлдузча болалар бахт-саодати учун бирлашишга даъватдир.

Ҳўш, болалар тақдир — келажақ тақдир, уни асраб-авайлаш учун бирга курашайлик, деган эзгу гоа қачон пайдо бўлган?

Иккинчи жаҳон уруши тугаган. Қарийб барча давлатларда иқтисодий танглик, одамлар руҳиятида тушунлиқ ҳукм сурарди. Айниқса, болалар очлик, турли касалликлар, яшаш ва таълим олиш шартлари йўқлигидан азоб чекарди. Агар болалар ҳаёти ва ҳуқуқлари муҳофазаси қилинмаса, келажақ ҳавф остида қолгани кундай равшан бўлиб қолганди.

Жамиятнинг оғир аҳволини англаган Париж аёллар конгресси 1949 йили бутун дунёда болалар бахти учун тинмай кураш олиб бориш ҳақида қасамёд қабул қилди. 1950 йилдан 1 июнь БМТ шафелигида бутун дунёда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида нишонланадиган бўлиди.

Мана, 65 йилдан буён ёзинг биринчи кунини дунёнинг деярли барча мамлакатларида келажагимиз эгалари учун турли концертлар, кўргазмалар, сайиллар, спорт мусобақалари ўтказилади. Болалар ҳуқуқларини муҳофазаси қилиш, уларни уруш ҳавфидан ҳимоялаш, саломатлигини сақлаш, ёш авлодга демократик асосда таълим-тарбия бериш масалаларига бағишланган турли конференция ва анжуманлар ташкил этилади. Бегубор қалб соҳиблари ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ меҳр-муруватдан, эътибордан баҳраманд бўлади.

Мамлакатимизда болалар келажагимиз вояси, миллатимиз давомчилари сифатида эъзозланади. Ўзбек халқи азалдан бола-жон халқ. Халқимиз қайси дин, қайси миллат фарзанди бўлишидан қатъи назар, бола, деб эркалайдди. Меҳр бериб, бошини силлайди. Биргина мисол: Иккинчи жаҳон уруши пайтида уй-жойи вайрон бўлиб, ота-онасидан етим қолган, яқинларидан ажралган юз минглаб болалар Ўзбекистон бағрида Ватанга, Ўзбек хонадонларида ўз уйларига эга бўлган. Халқимиз «Сен етим эмассан» деб, ўзининг бир бурда нонини ҳам ана шу болалар билан баҳам қўрган.

Одамларимиз нафақат ўз фарзанди, балки ҳар бир муракб қалб икболи учун қайғуради. Ҳар сафар дуога қўл очаркан, Яратқандан эртанингини таянич — ёш авлоднинг бахту саодатини сўрайди. Фарзанд камолини кўришни ҳаётнинг мазмуни, деб билади. Зеро, «Боланинг бегонаси бўлмайди», «Бол ширин, болдан бола ширин», «Фарзанд — белнинг қуввати», «Фарзандинг — давлатинг», «Бир болага етти маҳалла ота-она» каби ҳикматли сўз ва мақоллар неча асрлардан буён тилдан тилга, дилдан дилга ўтиб, яшаб келаётгани бежиз эмас.

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган, манфаатлари муҳофазаси қилинган. Ўзбекистон бола ҳуқуқларига оид бешта халқаро конвенцияга қўшилган. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясида назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётга ижро этилиб келимоқда. Конституциямиз ва бошқа қатор қонунлар асосида вояга етмагандарнинг ҳуқуқлари, таъминланмоқда. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлоднинг камолга етказишга ҳизмат қилаётди.


Ушбу қонунда мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Улар орасида боланинг ҳаёти ва соғлигини муҳофазаси қилиш алоҳида ўрин тутди.

Боланинг ҳуқуқи унинг туғилишидан аввал пайдо бўлади. Шу боис мамлакатимизда гўдақнинг, аввало, соғлом туғилишини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар

амалга оширилмоқда. Чақалоқлар дунёга келган кундан бошлаб тиббий назоратга олинаётди. Уларни турли касалликлардан, соғлом камол топишига ҳавф соладиган таъсирлардан асрашга катта эътибор берилмоқда. Шу боис мамлакатимизда гўдақлар ўлими тобора камаймоқда. Бу нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам қайд этилаётди.

Утган йиллар давомида «Соғлом она — соғлом бола» гоясини ўзида мўжассам этган дастур асосида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, пери-

ЮРАР БАХТ ЙЎЛЛАРИДА ШОДОН БОЛАЛАР



натал ва скрининг марказлари, янги туғруқхоналар барпо этилди. Биргина ўтган йилги жами 13 миллион 600 мингдан зиёд аёл ва бола тиббий кўриқдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилди. Юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида миллий эмлаш календарига рота-вирус вакцинаси киритилиб, қарийб 300 минг бола ушбу вакцина билан эмланди.

Ана шундай амалий ишлар натижасида сўнгги ўн йилда ривожланишида туғма нуқсонлари бўлган болалар сони 1,3 баробар камайди. Олти ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болалар орасида ўтқир юқумли касалликлар билан оғриш 34,4 фоиз, пневмонияга чалиниш 49,7 фоиз, бронхит билан хасталаниш 32,8 ва сколиоз билан касалланиш 32,7 фоизга камайди.

Мамлакатимизда буюк давлатни барпо этишга қодир баркамол авлоднинг тарбиялаш учун зарур иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳақда маънавий инқилиятлар тобора кенгаймоқда. Амалга оширилаётган барча ишлар замирида ягона гоа мўжассам. Бу гоа, Президентимиз таъбири билан айтганда, «соғлом зўрриёт», яъни жисмоний ва маънавий етук авлод шаклланиши ва ўз инқилиятларини ҳақда салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур тизимни яратиш, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, замонавий билим ва касбга эга бўлишини, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

Болаларни жисмонан ва маънан баркамол авлод этиб тарбиялаш борасидаги ислохотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

ХАЛҚАРО МИКЁСДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

Ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг Ватанимиз келажаги учун масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир, том маънодаги ҳал қилувчи кучга айланидиган инсонлар сифатида етишиб чиқиш борасида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг пировард мақсадини ташкил этади.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга билим ва тарбия бериш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоялаш, ўз қизиқиши ва лаёқати, ижодий-интеллектуал салоҳиятига мос касб-ҳунар эгаллашида янгича тамойилларга, аввало, миллий анъана ва тафаккуримиз, жаҳон андозаларига асосланган ўзига хос мўкамил тизим яратилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган асосий тамойиллар, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатларнинг ҳаётга ижро этилиб келиши жаҳон андозаларига мос таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий реабилитация масканлари, оилавий поликлиникалар, болалар спорт-соғломлаштириш мажмуаларини барпо этиш, ўғил-қизларга ҳуқуқ таълим-тарбия бериш, уларнинг саломатлигини муҳофазаси қилиш, иқтисодий юзага чиқаришга яқиндан қўмақлашиш, таълимнинг навабатдаги босқичи билан қамраб олинишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2008 йили Ўзбекистон Республикасида «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, мазкур соҳада миллий қонунчилик даражасидаги ҳуқуқий назорат тақомиллаштирилди. Қонунда боланинг яшаш, индивидуаллик ва уни сақлаб қолиш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, болаларни тарбияловчи оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, оила, ноқонуний кўчириш, ўз фикрини ифода қилиш, ахборот олиш, фикр, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги, шахсий мулкка эгалик қилиш, турар жойни муҳофазаси қилиш, меҳнат қилиш, дам олиш, соғлиқни муҳофазаси қилиш ва таълим олиш каби асосий ҳуқуқлари кафолатланади. Ушбу қонунда, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг бир қатор қўшимча ҳуқуқлари ҳам кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигида мувофиқ ёшига қараб болалар икки гуруҳга бўлинади, вояга етмагандар — 6 дан 14 гача ва вояга етганлар 14 ёшдан 18 ёшгача деб ҳисобланади. Фуқаронинг ишга лаёқатлиги, яъни ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи

Дилором СУЛАЙМОНОВА,
Олмасор тумани фуқаролик ҳолати
далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси

Давлатимиз болаларнинг бепул мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишини таъминлаётди. Ҳар йили қўллаб-қувватлаш мақсадлари, қол-леж ва лицейлар қурилиб, мавжудлари таъмирланмоқда. Мактаб оstonасига илк бор кадам қўйган минглаб болаларга Президентимиз совғаси — ўқув анжумлари тақдим этилаётди.

«Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётимизга таъбиқ этилаётгани ёшларимизга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, соғлиқни асраб-авайлаш, маънавиятини юксалтириш, қобилияти ва иқтидорини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Соғлом авлоднинг камол топтиришининг муҳим воситаларида бири спортдир. Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган фармонида биноан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиши мақсадига эришилди, жумладан, ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш ишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун нафақат йирик шаҳарларда, юртимизнинг энг чека ҳудудларида ҳам ўғил-қизларимиз спорт билан мунтазам шугулланиши учун зарур шароит яратилган.

Ёш авлоднинг саломатлигига қаратилаётган бундай эътибор ўз самараларини бермоқда. Мутахассисларнинг фикрича, истиқлол йилларида юртимизда балоғат ёшдаги болаларнинг бўйи ўртача 5 сантиметрга, вазни 4-8 килограммга ортган, кўрак қафаси 6-8 сантиметрга кенгайган. 92 фоиз ўғил-қизларимиз ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. «Save the Children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўрта мамлакат қаторидан жой олди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон, ота-она қарамоғидан маҳрум, етим болаларга давлатимиз томонидан доимий эътибор қаратилмоқда. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасида қайд этилганидек, «ижтимоий ёрдам уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир болага таъинланади». Худди шу моддада етим болаларга ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳақда уларни таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилиши қайд этилган.

Бундай инсонпарварлик тамойилларининг ҳаётимизга кенг жорий этилишида давлат органлари билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган хайри ишлар эътироф ва эътиборга сазовор.

«Юрт келажаги» ва «Камалат юлдузлари» каби кўрик-танловлар ҳар йили юзлаб ёш истеъод эгаларини кашф этишга ҳизмат қилмоқда.

Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини мамлакатимизнинг келажаги билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга дадил кириб келмоқда. Бир неча хорижий тилини ўрганган, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган, бир сўз билан айтганда, эл-юрт хизматига шай, юраги ёниб, қўллари қанчаб турган нафис ўғил-қизларни кўриб, қалбимизда ишонч, ғурур-нафтиҳор туйғулари жўш уради.

Болалар нихолар каби парваришга муносиб бўйи бўлади. Вақтида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилса, улар жамиятнинг ишончи ва таяничига айланади. Ўзбекистон ана шундай мустақкам таянчга эга мамлакат. Унинг болам деб яшайдиган бағрикенг халқи, менинг фарзандларим деб эъзозлайдиган, мунтазам ғамхўрлик қиладиган Президенти бор. Бундай мамлакатнинг болалари ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмай, шодон ва соғлом ўлганди.

Дилшод КАРИМОВ,
Ўза шарҳловчиси



Айни кунларда шахримизнинг барча масканларида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан «Ҳар бир фарзандга меҳр-эътибор» шиори остида тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

ЖАЖЖИЛАР КУЛГУСИ ОЛАМНИ МУНАВВАР ЭТАДИ

«Самарқанд Дарвоза» гипермарке-тида ўтказилган байрам тадбири Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги томонидан ташкил этилди. Унда туманда истиқомат қилувчи ота-она қаровисиз қолганлар, кам таъминланган, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаган 200 нафар болалар иштирок этди.

Тадбир доирасида Ёш томошабинлар театрининг актёрлари иқросида қизиқарли саҳна кўринишлари, ви-кторина ўйинлари, «Асал» ва «Хавас» гуруҳларининг концерт дастурлари намойиш этилди.

Айниқса болалар аттракционларидаги ўйинлар барча қатнашчиларга манзур бўлди.

— Дунёнинг шодлиги бола кулгуси билан янада мунаввар ва гўзалдир, — дейди Шайхонтоҳур туман ҳокимлигининг бош мутахассиси Зарифа Искандарова. — Бо-

лажонларнинг юз-кўзларидаги та-бассум, қалбларидаги ҳаяжон биз катталарга ҳам қувонч бағишлайди. Истаймани, жаннатмақом юртимизнинг истиқболи порлоқ ёшлари ҳамиша бахтли-саодатли бўлишини, байрамларимизга байрамлар уланиш.

— Мен бугун жудаям хурсандман, — дейди байрам иштирокчиси 12 ёшли Абдуазиз Набиев. — Мазза қилиб ўйнадик, соғвалар олдик.

Қувончимизнинг чеки йўқ. Шу байрамни ташкил қилган ака-опалари-миздан миннатдоримиз...

Ха, фарзандларимизнинг кулгуси оламини қарогон этади. Чунки унда бегуборлик, беозорлик, поклик каби энг бокира туйғуллар мўжассам.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа
Ислом Исmoilов
олган сурат

БОЛА ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ — УСТУВОР

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро стандартлар мавзусига қўл урар эканмиз, авваламбор бола ҳуқуқлари ҳақида алоҳида ва махсус тартибда аниқ-равшан белгилаб берилган ҳамда халқаро ҳамжамият томонидан бир овоздан эътироф этилиб, БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенцияни келтириб ўтиш жоиздир.

Мазкур Конвенциянинг 1-моддасига мувофиқ «18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон, агар болага нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича у эртароқ балоғатга етмаган бўлса, у бола ҳисобланади». Зеро, болаларнинг қобилиятларининг ёши ва ўзини ҳимоя қила олиш имкониятларининг ҳар тарафлама чекланганлигини инобатга олган ҳолда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўсайтириш эмас, балки, аксинча, уни янада қучайтириш лозим. Зеро, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси моҳиятнинг даражадаги барча инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан шугулланувчи ташкилотларга ҳам тааллуқли бўлиб, Конституциявий суд каби давлат идоралари ҳам нафақат инсон ҳуқуқлари, балки бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича амалий ва самарали саъй-ҳаракатлар қилишлари даркор. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2002 йилда ўтказилган Болалар тўғрисидаги Махсус сессия якунида қабул қилинган Болаларга муносиб дунё Декларациясида давлатлар ҳар бир қиз ва йигит бегубор болалиқдан баҳра оладиган, болалар униб-ўсиши учун имконият яратиладиган, улар ҳурмат қилинадиган ва севиладиган, уларнинг ҳафсизлиги ва фаровонлиги муҳим бўлган, уларнинг саломатлиги, тинчлиги ва қадр-қимматлари юксак қадрланадиган дунё қуришга бел боғладилар.

Чунонки, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига доир халқаро ҳужжатлар доирасига Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Минимал ёш тўғрисидаги Халқаро меҳнат ташкилотининг 182-Конвенцияси, Болаларни ҳимоя қилиш ва давлатлараро фарзандликка олиш масалаларида ҳамкорлик тўғрисидаги Гаага Конвенцияси, Инсонлар, хусусан, аёллар ва болалар траффикнинг олдини олиш, таққиллаш ва жазоланга доир Протоколларни келтириб ўтиш жоиз. Бинобарин, ҳар бир бола туғилишданок миллат ва исм олиш ҳуқуқига, оила ёки ота-она ғамхўрлигига ёхуд оила муҳитидан ажратилган ҳолларда ғамхўрлик қилишининг бошқа муқобил муносиб турларига, ёмон, қаттиқ ва шафқатсиз муомала, қаровисизлик ҳақда қадр-қиммати камситилишидан ҳимояланишга, ёшига мос бўлмаган ишларга ёки боланинг камолоти, таълим олиш, жисмоний ва ақлий саломатлиги, маънавий етуқлиги, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишига ҳавф тўғдирадиган хизматлар кўрсатмаслик, ишларни бажармаслик ёки улардан бунди талаб қилинмаслигига, агарда болаларга нисбатан қилинган адолатсизлик бошқа-ча оқибатларга олиб келадиган бўлса, болалар манфаатига тааллуқли фуқаролик ишларида уларга давлат томонидан ҳуқуқий маслаҳатчи /адвокат/ тайинланиб, барча ҳаражатларнинг давлат томонидан қопланшига, қуроли тўқнашувларда бевосита фойдаланилмаслик ва қуроли можаролар даврида ҳимояланишга ҳақлидирлар.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 7-моддасига кўра бола туғилган захоти рўйхатга олиниши ва исм билан аталishi ва фуқароликка эга бўлиш, шунингдек иложи борида, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларини олишга ҳақли ҳисобланади. Конвенциянинг 8-моддасида таъкидланишича, исмга, фуқароликка ва оилавий алоқаларга бўлган ҳуқуқ шахсиятга нисбатан ҳуқуқларнинг таркибий қисми бўлиб, агар бола ўзига ҳослик элементларининг бир ёки барча қисмларидан гайриқонуний равишда маҳрум этилган бўлса, иштирокчи давлатлар унинг бу ҳуқуқларининг тезроқ тикланиши учун зарур ёрдам ва ҳимоялашни таъминлайдилар.

Болаларга қарши содир этиладиган айрим жиноятлар, хусусан болалар траффики ва болаларни бир этник гуруҳдан бошқасига мажбуран ўтказиш ҳоллари, агарда бундай ҳолатларини геноцид ёки инсониятга қарши жиноятлар деб баҳолаш учун асослар мавжуд бўлса улар устидан Халқаро жиноят суди юрисдикцияси ўрнатилди.

Алал-оқибат сўзимиз сўнггида юқорида келтирилган жумалар якунида Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, қучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт» деган таъкидларига Керол Белаи (ЮНИСЕФ ижрочи директори, 2006 йил) нинг қуйидаги қайдлари жуда ҳамоҳангдир:

«Агарки, биз инсоният оиласига қўшилаётган ҳар бир янги аъзо ўзи қадр топадиган, бебаҳо ва қайтариб бўлмас бегубор болалиги ҳимояланадиган дунёда камол топишини таъминлаш учун ўз билим, хоҳиш-истак ва ихтиёри-миздаги воситаларни ишга солмасак, тарих бизни кечирмайди».

Дурдона ФАЙЗИЕВА,
Лазизбек САМАДОВ,
хуқуқшунослар

Мамлакатимизда «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида анъанавий «Китоб байрами» бўлиб ўтди.

Юксак маънавият — енгилмас куч

САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбир Тошкент ва Нукус шаҳарлари, барча вилоят марказларида бўлиб ўтмоқда.

Пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Сайид, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси И.Халимбеков ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар миллий адабиётимизни рағбатлантириш, буюк аждодлар яратган бой маънавий меросни ва миллий анъаналаримизни асл ҳолига асраш, китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган доимий эътибор мустақил фикрли, фаол фуқаролик позициясига эга, билимли ва маънавиятли ёшларни камолга етказишда муҳим омили бўлаётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда ноширлик ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Мустақилликка қадар юртимизда 9 наشريёт ишлаган бўлса, бугунги кунда юздан зиёд наشريёт фаолият кўрсатмоқда. Матбаачилик соҳаси ҳам изчил ривожланмоқда.

— Нашриётимизда кейинги йилларда амалга оширилган модернизация лойиҳалари натижасида ISO-9001, ISO-2008 халқаро сифат стандартлари жорий этилди, — дейди «Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири Азимбой Бобонизов. — Юксак технологиялар воситасида чоп этилаётган китобларимиз сифат жиҳатидан нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам эътироф этилмоқда. Бир қатор нашрларимиз халқаро танловларда совринли ўринларга сазовор бўлгани бунинг исботидир. Анъанавий равишда ўтказилаётган «Китоб байрами» бу борадаги миллий анъаналаримизнинг бардавонлигини таъминлаш, халқимиз, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, ноширлик соҳасини тараккий этиришга хизмат қилади.

Маълумотларга қўра, «Китоб байрами» қатнашчилари сони йилдан-йилга кўпайиб бораётди. 2014 йилда бир ярим

миллион аҳоли «Китоб байрами»га ташриф буюрган бўлса, ҳорий йилда уч миллионга яқин аҳолини қамраб олиш мўлжалланган.

— «Китоб байрами» бўлаётганини эшитиб, фарзандларим ва набираларим билан келдик, — дейди 85 ёшли Саиджалоли ота Нурматов. — Улуғларимиз айтганидек, китоб ёлғизликда ҳамроҳ, зиминда эи таратувчи, беминнат устозлик қилувчи бебаҳо неъматдир. Мен ҳам умрим давомида алломаларимизнинг ушбу ҳикматларига амал қилдим, китобни доимий ҳамроҳимга айлантирдим. Шу боис оилавий китобхонлик анъаналарини сақлаш, китобни қадрлаш зарурлигини ёшларга қайта-қайта ўқираман.

Ўтган йилларда ташкил этилган «Китоб байрами» маънавий-маърифий тадбири доирасида аҳоли ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига қўра, бир қатор наشريётларда ўқувчилар эътиҳидан келиб чиқиб янги рунлар ташкил этилди ва китоблар чоп этиш йўлга қўйилди. «Янги аср авлоди» наشريётда «Камолот кутубхонаси» рункида ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиётининг дурдона асарларидан тузилган олтишга яқин асар ўқувчилар қўлига етиб борди. Фафур Фулом номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйида «Ўзбек адабиёти хрестоматияси» рункида мактаб дарсликларидан парчалар берилган бадиий асарлар китоб ҳолида чоп этилиб, кутубхоналарга етказилмоқда.

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида наشريётларнинг стендлари ва китоб кўргазмалари ташкил этилди. Улуғ мутафаккирларимизнинг китоб ва китобхонлик ҳақидаги пурмаъно ҳикматли сўзлари туширилган паннолар олдида ҳеч ким бефарқ ўтолмайди. Боғнинг турли бурчакларига ўрнатилган телемониторларда наشريётлар фаолияти, китобхонлик маданияти, «Намунали китоб дўкони» кўрик-танловига оид лавҳалар намойиш этилди.



Тасвир: Мамлакатимиздаги китоб байрами

«Китоб байрами»да ҳар бир киши ўзи учун зарур маълумот олиш, излаган китобини топиш, ўзининг билими, қизиқиши ва саводхонлигини синовдан ўтказиш имкониятига эга. Шу мақсадда адиб ва шоирлар, китоб графикаси бўйича рассомлар, муҳаррирлар билан ижодий учрашувлар, «Энг яхши китобхона», «Китобхон оила» каби мавзуларда интеллектуал ўйинлар ўтказилди.

— Интеллектуал ўйинда тарих фани бўйича фаол қатнашиб, ташкилотчиларнинг совғасини олишга муваффақ бўлдим, — дейди Чилонзор туманидаги 138-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Гулноза Жўрабоева. — Китоб ўқиш энг сеvimли машғулоти. Айниқса, тарихий мавзудаги адабиётларга жуда қизиқман. Келгусида тарихий бўлмоқчиман. Ушбу тадбирда ўзимни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб топиш, янги адабиётлар билан танишиш, билим ва дунёқарашини янада бойитиш имконига эга бўлдим.

Тадбир доирасида «Китоб — миллатнинг бебаҳо маънавий ва маданий мероси» мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилади.

«Йилнинг энг яхши китоби» кўрик-танлови якунлари эълон қилинади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Спорт янгиликлари

Германиянинг Дуйсбург шаҳрида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича ўтказилган жаҳон кубогининг иккинчи босқичида Ўзбекистон спортчилари биттадан олтин, кумуш ва бронза медални қўлга киритди.

СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН КУБОГИДАГИ ҒАЛАБАСИ

Йирик халқаро спорт анжуманларида спортчиларимиз шоҳсупага кўтарилиб, Ватанимиз байроғи сарбаланд бўлса, мадҳиямиз янграса, кўксимиз тоғдек кўтарилади, фахрийлар тўғуси қалбимизни чулғаб олади. Ана шундай фароҳбахш дамлар — спортчиларимизнинг халқаро майдонлардаги ютуқлари сони ва салмоғи ошиб бораётгани истисқол берган имкониятлар туфайлидир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодини ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб воғая етказиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишхотлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Юртимизнинг барча ҳудудларидан замонавий спорт мажмуалари барпо этилиб, у ерда ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Олимпия дастуридан жой олган спортнинг эшак эшиш турлари ҳам жадвал ривожланмоқда. Ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежларида эшак эшиш бўйича иктидорли спортчилар тайёрланмоқда.

Каноэда эшак эшиш бўйича терма жамоамиз аъзолари жаҳон кубогининг иккинчи босқичида муносиб иштирок этди.

ЁШ ОФИР АТЛЕТИКАЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Нукус шаҳрида оғир атлетика бўйича 1995 йилда туғилган ва ундан кичик ёшдаги спортчилар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Бу йилги чемпионат баҳсларида юртимизнинг барча ҳудудларидан 100 нафарга яқин спортчи 15 та вазн тоифасида ғолиблик учун баҳс юритди.

Ўз вазн тоифаларида Хоразм вилояти спортчиси Саидхон Курбонов, мусобақанинг мезбон вакиллари Давлат Ўтебоев ва Муҳаммаддин Муратбоев, Самарқанд вилояти шарафини ҳимоя қилган Жонибек Бозоров ва Кабатулла Самиев, Тошкент вилоятидан Отамурод Ортиқбоев ҳамда Сурхондарё вилояти спортчиси Бехруз Иннатуллоев Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Беллашувларда Муҳаммаддин Муратбоев даст ва силтаб кўтариш бўйича жами 282 килограмм натижа кўрсатиб, Ўзбекистон спорт устаси талабалари даражасини баҳарди.

Қизлар ўртасидаги вазни 75 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида иштирок этган мезбонлар вакиллари Гузал Наимова даст ва силтаб кўтаришда жами

166 килограмм тош кўтариб, биринчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, Хоразм вилоятидан Зухра Отажонова, Самарқанд вилоятидан Замира Аминжонова, Тошкент вилоятидан Хадича Абдурашулова, Андижон вилоятидан Мунаввара Низомжоннова, Қашқадарё вилоятидан Лайло Тўрабоева ва Хўлқар Чоршанбиева ўз вазн тоифаларида тенгсиз деб топилишди.

Қизинг кечган мусобақалар якунларига қўра умумжамоа ҳисобида Қорақалпоғистон Республикаси спортчилари 3 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритиб, биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ўрин Тошкент вилояти жамоасига насиб этган бўлса, учинчи ўринни Хоразм вилояти вакиллари банд этишди.

Дунёнинг элликдан эиёд давлатидан 650 спортчи иштирок этган нуфузли мусобақанинг 1000 метрга каноэда эшак эшиш бўйича турткилар пойғасида икки қарра жаҳон чемпиони Вадим Меньков ва тахрибали спортчилар Герасим Кочнев, Элдор Қаймов, Серик Мирбековдан тасвиб топан Ўзбекистон терма жамоаси олтин медалга сазовор бўлди. Спортчиларимиз шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Яна бир спортчимиз Дилноза Раҳматова 500 метрга каноэда эшак эшиш бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилган баҳсларда кумуш медални қўлга киритди. Эътиборлиси, жаҳон кубоги эндигина ўн етти ёшни қаршилаётган иктидорли спортчимиз фаолиятидаги илк йилги мусобақа ҳисобланади. У жамоадорши Нилуфар Зокирова билан ҳамкорликда 200 метрга ўтказилган жуфтлик баҳсларида бронза медал билан тақдирланди.

Энди терма жамоамиз аъзолари Даниянинг Копенгаген шаҳрида бўладиган жаҳон кубогининг учинчи босқичида иштирок этади.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎзА мухбири

Пойтахтимизда шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигаси баҳслари бўлиб ўтди. Мусобақада мамлакатимизнинг энг кучли йигирма уч нафар шахмат усталари ўзаро куч синашди.

ШАХМАТ УСТАЛАРИ ДОНА СУРДИ

Ўн уч партиядан иборат бўлган эркаклар беллашувларида халқаро гроссмейстер Марат Жумаев 8 очко тўплаган ҳолда, шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Маҳоратли шахмат устаси баҳслар давомида Улугбек Тиллаев, Баҳодир Холмиразев, Нодирбек Абдулаттаров, Акмал Файзуллаев, Иброҳим Каримов, Шамсиддин Воҳидовни мағлубиятга учратиб, тўртта партиядан дуранин ўйнади.

6 очко жамғарган Акмал Файзуллаев қўшимча кўрсаткичлар бўйича иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Шамсиддин Воҳидов бронза медалига сазовор бўлди.

Тўққиз турдан иборат хотин-қизлар ўртасидаги мусобақада 6,5 очко жамғарган халқаро тоифадаги спорт устаси Сарвиноз Курбонбоева барча рақибларидан устун келиб, олтин медал билан тақдирланди. 6,5 очкога эга яна бир маҳоратли шахматчи Ирина Геворкян қўшимча кўрсаткичларга қўра кумуш медални қўлга киритган бўлса, улардан ярим очко кам фарқ билан Баҳора Абдусатторова шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Абдулазиз МУСАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» давлат қорхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга татбиқ этилган бўлиб, унга қўра жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун маълумотномаларни олиш имкони яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун

Odnookno.uz

Интернет саҳифасида жойлаштирилган аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Белгиланган шаклдаги маълумотномани олиш учун онлайн-аризани юбориш қийфоя бўлиб, ушбу аризани кўриб чиқиш ишларини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ваколатли орган — «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда аҳолига қулай, тез ва ошқора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

«КО'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичида-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига ТИФ «Миллий Банк» 2015 йил 29 майдаги МР-11/2642-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, 108-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 209,26 кв.м бўлган, таъмирталаб, ақа, темир эшикдан иборат кўчмас мулк қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 113 009 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2015 йил 30 июнь кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2015 йил 26 июнь кунин соат 16:00.

Кўчмас мулк 2015 йил 30 июнь кунин сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2015 йилнинг 6, 10 ва 14 июль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Тақрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2015 йилнинг 6 июлдаги савдо учун 3 июль кунин, 10 июлдаги савдо учун 8 июль кунин, 14 июлдаги савдо учун 10 июль кунин соат 16:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан бир-галикда қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вақилининг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

— жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вақил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-соти шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловларни амалга ошириш мuddати олди-соти шартномаси тузилганда белгиланади.

Очик аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «КМСС» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000404920609114, МФО: 01036, СТИР:207122519 х/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамчи кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001. Электрон почта: rieltavdo@inbox.uz.

Миробод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими Миробод туманидаги умумтаълим мактаблари ошхоналарида соғлом овқатланишни ташкил этиш бўйича 2015-2016 ўқув йили учун

ТЕНДЕР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Афросиёб кўчаси, 6-уй. Тел: (998-71) 256-30-09, 256-34-90.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунин соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 232-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Тошкент Тиббиёт академиясининг ректорати ва касса уюшмаси Тошкент Тиббиёт академияси тиллар кафедрасининг катта ўқитувчиси Наима Ганиевна Салихованинг тармуш ўртоғи

Махмуд Хамидович МАВЛОНОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

33-35 даража иссиқ бўлади. **ЎЗГИДРОМЕТ** **ХАБАР ҚИЛАДИ** **Тошкент шаҳрида 2 июнь кунин ҳаво ўзгариб турлади, ёғингарчилик ҳар ҳаво муҳитида зарар бўлмади. Шарқдан секунлар моддаларининг бир оз дига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кетма-кет пас бўлади.**

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: Ўзлонлар 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@uamail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11701 нусхада босилди. Қўра бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 15.10